

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD. 29.06.2019. Fil/Ped. 83.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ҚУРБОНОВ ПАРДА АХМЕДОВИЧ**

**БАЙРОН ИЖОДИДА ШАРҚ ВА ШАРҚОНА МОТИВЛАР ТАВСИФИ  
(ҚИЁС ВА ТАРЖИМА)**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва  
таржимашунослик**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on philological sciences**

**Қурбонов Парда Ахмедович**

Байрон ижодида Шарқ ва шарқона мотивлар тавсифи (қиёс ва таржима) ..... 3

**Қурбонов Парда Ахмедович**

Характеристика Востока и восточных мотивов в творчестве Байрона  
(сопоставление и перевод) ..... 25

**Kurbonov Parida Akhmedovich**

Description of East and eastern motives in Byron's literary works  
(comparison and translation) ..... 45

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works .....49

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD. 29.06.2019. Fil/Ped. 83.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ҚУРБОНОВ ПАРДА АХМЕДОВИЧ**

**БАЙРОН ИЖОДИДА ШАРҚ ВА ШАРҚОНА МОТИВЛАР ТАВСИФИ  
(ҚИЁС ВА ТАРЖИМА)**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва  
таржимашунослик**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.4.PhD/Fil 375 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Қарши давлат университетида бажарилган

Диссертация автореферати уч тилда ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.samdchti.uz](http://www.samdchti.uz)) ҳамда “ZiyoNet” Ахборот-таълим порталида «ZiyoNet» [www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz) манзилига жойлаштирилган

**Илмий раҳбар:** **Холбеков Муҳаммаджон Нурқосимович**  
филология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Бақоева Муҳаббат Қаюмовна**  
филология фанлари доктори, профессор

**Хошимова Дилдора Мадаминовна**  
филология фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:** **Фарғона давлат университети**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат чет тиллар институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.29.06.2019.4.Fil/Ped.83.01 рақамли илмий кенгашнинг 2020 йил « \_\_\_ » \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлади. (Манзил: 140104, Ўзбекистон, Самарқанд ш., Бўстонсарой кўчаси, 93-уй. Тел: (99866) 233-78-43; факс (998966) 210-00-18; e-mail:info@samdchti.uz).

Диссертация билан Самарқанд давлат чет тиллар институтининг Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил:140104, Ўзбекистон, Самарқанд, Бўстонсарой кўчаси 93. Тел.: (998 66) -2337843, факс: (99866) 2100018.

Диссертация автореферати 2019 йил “ ” \_\_\_\_\_ ойининг \_\_\_\_\_ куни тарқатилди (2019 йил \_\_\_ даги \_\_\_ рақамли реестр баённомаси )

**И.М.Тухтасинов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, педагогика фанлари доктори, доцент

**А.А.Яхшиев**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, филол.ф.н, доцент

**Н.Қ.Турниязов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда юз бераётган глобаллашув шароитида адабиётшунослик илмий мактабларида XIX аср адабиётида энг йирик оқимлардан бири бўлган романтизм оқимининг пайдо бўлиши, бадиий асарлар асосида халқларнинг маданияти, тарихи, урф-одати, турмуш тарзи, анъаналари ва миллий кадриятлари билан яқиндан танишишга бўлган эътибор кучайиб бормоқда, бу соҳада амалий тадқиқотлар кўлами кенгаймоқда. Америка, инглиз, немис, рус адабиётшунослигида инглиз романтизм адабиёти тадқиқиға бағишланган салмоқли илмий ишлар қилинган бўлса-да, ундаги шарқона мавзулар ва диний оҳангларнинг хусусиятларини ўрганиш билан боғлиқ вазифаларнинг долзарблашуви қиёсий адабиётшунослик ва таржимани қиёсий-типологик аспектда мукамал кўринишда тадқиқ қилиш соҳа тараққиётини таъминлайдиган муҳим омиллардан ҳисобланади.

Жаҳон адабиётшунослигида романтизм адабиёти антик, классик адабиётга эҳтиром билан қараш билан бирга маърифатчилик адабиётидан руҳий озикланиш, шахс озодлиги, инсон кадр-қиммати учун кураш каби инсонпарварлик ғоялар асосида раванқ топди. Жаҳон эстетик тафаккурининг буюк даҳолари, мутафаккирлар, файласуфлар романтизм адабиётига юксак баҳо берганлар ва унинг назарий асослари, тамойилларини аниқлаш соҳасида қимматли фикрларини айтишган. Романтизм жамиятнинг маънавий ҳаётига кучли таъсир кўрсатувчи адабий, ижтимоий, эстетик ижодий йўналиш, адабий оқим ва ижодий метод сифатида етарли даражада очиб берилмаганлиги бу борадаги тадқиқотлар заруриятини белгилайди. Жаҳон адабиётшунослигида буюк даҳолар асарларини бевосита ва билвосита таржима қилиш, қиёсий жиҳатдан тадқиқ қилиш, қиёсий адабиётшунослик, таржима назарияси ва амалиёти каби замонавий фан соҳаларининг такомиллашувига хизмат қилмоқда.

Ўзбекистонда кейинги йилларида чет тиллари ва адабиётига бўлган қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Ҳар бир асарни илмий тадқиқ қилиш заруратга айланмоқда. «Биз мана шу ўта муҳим йўналишдаги ишларимизни бундан кейин ҳам қатъият ва изчиллик билан давом эттирамиз. Нега деганда адабиёт ва санъатга, маданиятга эътибор - бу аввало халқимизга эътибор, келажакимизга эътибор эканини, буюк шоиримиз Чўлпон айтганидек, адабиёт, маданият яшаса, миллат яшаши мумкинлигини унутишга бизнинг асло ҳақимиз йўқ»<sup>1</sup>. Ушбу масалаларнинг устувор стратегик йўналиш сифатида белгилаб қўйилиши адабиётшунослик соҳасида ҳам илмий изланишлар кўлами ҳамда кўрсаткичини янада кўтаришга кенг имкониятлар яратди. Ана шундай ўта муҳим масалаларни атрофлича илмий асосда муҳокама қилиш мазкур тадқиқот мавзусининг долзарблигини белгилайди.

---

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш - халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустақкам пойдеворидир. Халқ сўзи. 2017 йил. 4 август. –№153 (6847)

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрдаги «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонуни, 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ – 4947-сон фармони, 2017 йил 17 февралдаги «Фанлар Академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ – 2789- сонли, 2017 йил 18 апрелдаги «Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи ҳудудида Адиблар хиёбонини барпо этиш тўғрисида»ги ПҚ–2894-сонли Қарорлари ҳамда мавзуга оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Рус ва хориж адабиётшунослигида инглиз романтизм адабиёти тадқиқига бағишланган салмоқли илмий ишлар қилинган бўлса-да, ундаги шарқона мавзулар ва оҳангларнинг хусусиятлари етарлича тадқиқ этилмаган. Масалан, инглиз олими М. Конантнинг мавзуимизга доир изланишларини тилга олиш ўринлидир.<sup>2</sup> Аммо, у ўз тадқиқотида Байрон ижодидаги шарқона оҳангларни асосан зардуштийлик динига боғлаб ёздики, бу унчалик тўғри эмас. Рус адабиётшунослигида академик В.М.Жирмунский<sup>3</sup>, Н.Я.Дьяконова<sup>4</sup>, А.А.Елистратова<sup>5</sup>, А.С.Дмитриев<sup>6</sup>, Е.П.Зыковаларнинг<sup>7</sup> инглиз адабиёти, хусусан, Байрон ижодига бағишланган тадқиқотларида ҳам бизнинг мавзуимизга оид айрим маълумотлар бериб ўтилган, лекин бу мавзу махсус тадқиқ этилмаган.

Дунё амалиётида Ж.Г.Байрон ижодини ўрганиш, унинг асарларини қиёсий жиҳатдан тадқиқ қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, танланган мавзу доирасида Словакиянинг Нитра шаҳридаги Константин фалсафа университети Санъат факультетининг Инглиз ва Америка адабиёти йўналишида Ж.Байроннинг “Шарқона поэмалари”га кирган қатор асарларининг қиёсий таҳлили ва инглиз-рус-ўзбек тилларига

<sup>2</sup>Conant M.P. The Oriental tale in England in the XIII century. New York. 1966. - P. 312.

<sup>3</sup>Жирмунский В. М. Байрон и Пушкин. - Л.: Наука, 1978. - С.424.

<sup>4</sup>Дьяконова Н. Я. Лирическая поэзия Байрона. - М.: Наука, 1975. - С.168.

<sup>5</sup>Елистратова А.А. Дневники и письма Байрона//Байрон. Дневники. Письма. - М.: Наука, 1965. - С.440.

<sup>6</sup>Дмитриев А.С. Теория западноевропейского романтизма//Литературные манифесты западноевропейских романтиков. - М. Изд. М.Г.У. 1980. - С.640.

<sup>7</sup>Зыкова Е.П. Восток в творчестве поэтов «Озерной школы»//Взаимодействие культур Востока и Запада. - М.: Наука, 1987.-С.42-69.

таржималари бўйича туркум илмий-назарий маърузалар ва семинар тренинглари ўтказилиши, Россиянинг Белгород давлат университетида ўтказилган халқаро илмий-назарий анжуманда Байрон ижоди ҳақида маъруза қилиниши долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ўзбек адабиётшуноси М.Бақоевнинг<sup>8</sup> “Англия, АҚШ адабиётидан ўзбек тилига шеърӣ таржима ва қиёсий шеършунослик муаммолари” мавзусидаги докторлик диссертацияси ва Ш.Ботированинг «Воссоздание поэтики романтизма в художественном переводе»<sup>9</sup> рисоласида ҳам Байрон асарлари таржимасига мурожаат қилинган бўлса-да, шоир ижодида Шарқ ва шарқона ҳамда диний мотивлар талқини махсус тадқиқ этилмаган. М.Холбековнинг мақолаларида бу хусусида баъзи ўринларда тўхталиб ўтилган ҳолос<sup>10</sup>.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Тадқиқот мавзуси Қарши давлат университети илмий-тадқиқот режасининг «Инглиз тилшунослиги ва адабиётшунослигининг долзарб масалалари» мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Байрон ижодида Шарқ ва шарқона мотивларнинг келиб чиқиш манбаларини ва диний анъаналар талқинини Ғарбий Европада романтизм тараққиёти контексти орқали очиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

инглиз романтизм даври ижодкори Байрон асарларида Шарқона мотивларни аниқлаш;

танлаб олинган «Каин», «Манфред», «Шилйон тутқуни» поэмалари инглизча-русча-ўзбекча матнларини қиёсий типологик ва таржимашунослик йўналишида очиб бериш;

Шарқ мавзуи билан боғлиқ равишда ёзган «Гяур», «Корсар», «Коринф камали», «Абидослик келин» ва «Паризина» поэмаларининг бадий жиҳатларини ёритиш;

қиёсий типологик аспектда «Каин» ва «Шайтоннинг тангрига исёни» драмалари қаҳрамонларининг характерларидаги ўхшашлик ва тафовутларни аниқлаш;

рус ва ўзбек тилларига таржима қилинган «Манфред» ва Шилйон тутқуни» драматик поэмаларида кучли шахсларнинг фожиавий тасвирлари мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда, уларнинг таржимасида образ, характер ва поэтик ғоянинг адекватлигини аниқлаш.

<sup>8</sup> Бақоева М. Проблемы перевода английской поэзии на узбекский язык: Автореф. дисс. канд. филол. наук. - Ташкент, 1980. -С. 22.

<sup>9</sup> Батырова Ш.Воссоздание поэтики романтизма в художественном переводе. – Ташкент: Ўқитувчи, 1990.- Б.123.

<sup>10</sup> Холбеков М. Байрон ижодида Шарқ//Талабалар дунёси. – Тошкент, 2010. - №3. - Б.16; -№4. -Б.19; Холбеков М. Байроннинг “Манфред” драмасида зардуштийлик анъаналари//Холбеков М. Марло ва Шекспир. Мақолалар тўплами. – Тошкент. “Наврўз” нашриёти, 2015. -Б.276-281.

муайян ҳолатларда олмон, француз ва инглиз романтизм даври шоирлари ижодидаги ворисийлик муносабатлари тўғрисидаги қарашларни аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Байроннинг «Каин» (Cain), «Манфред» (Manfred), «Шилйон тутқуни» (The Prisoner of Chillon), «Гяур» (The Giaour), «Корсар» (The Corsair), «Коринф қамали» (The Siege of Corinth), «Абидослик келин» (The Bride of Abydos), «Паризина» (Parisine) романтик поэмалари, А.Фитратнинг «Шайтоннинг тангрига исёни» драмаси танланган.

**Тадқиқотнинг предмети** Байрон ижодидан танлаб олинган поэмаларида шарқона мотивларнинг акс эттирилиши, уларни билвосита ва бевосита тиллараро таржимада тақдим этиш тамойиллари ҳамда зардуштийлик мотивлари, зулм, инсонпарварлик, озодлик учун кураш ғояларининг воқеланиш омилларининг қиёсий таҳлили ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотнинг мавзусини ёритишда қиёсий-типологик, қиёсий-тарихий таҳлил, лингвопоэтик, герменевтик усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ғарбий Европа романтизм даври адабиёти илоҳий сирларга, диний фалсафа, руҳ кудрати, халқпарварлик, ҳақиқат ва адолат учун курашчанлик, инсон ва табиат муаммоларига қизиқиши очиб берилган;

Байроннинг «Каин» ва Фитратнинг «Шайтоннинг тангрига исёни» асарларидаги поэтик ғояларнинг ўхшашлиги ва тафовутлари аниқланиб, диний-мифологик фабула ва образлар орқали бадиий сюжет ва характерларни, асосий поэтик ғояни очишга хизмат қилиши асосланган;

Байрон драмасида Қобил ва Ҳобил (Авел) воқеаси асар сюжетининг асоси эканлиги, Фитрат асарига бу воқеа киритилмаганлиги, Байрон драмасида Люцифер-Шайтоннинг гўзал, улугвор қиёфада кўрсатилганлиги ва Фитрат асарида эса ўта такаббур қилиб тасвирланиши исботланган;

Байроннинг рус ва ўзбек тилларида таржима қилинган «Манфред» ва «Шилйон тутқуни» драматик поэмаларидаги шахсларнинг фожиавий тасвири, таржимада характер ва поэтик ғоянинг адекватлиги, шарқона мотивлар, диний анъаналарнинг таъсири аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари.** Мазкур ишда тадқиқ этилган романтизм адабиётининг назарий масалалари, Байрон ижодининг ҳар томонлама ўрганилиши, асарларининг рус ва ўзбекча нашрларини аслият билан қиёслаш натижалари ўзбек ўқувчиларига жаҳон адабиёти билан бевосита танишиш имконини берган;

Байроннинг «Каин», «Манфред», «Шилйон тутқуни» поэмаларининг инглизча-русча-ўзбекча матнларини қиёсий типологик ва таржимашунослик йўналишида таҳлил қилиш орқали тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

Байроннинг «Манфред» ва «Шилйон тутқуни» поэмалари аслиятдан ва воситачи тилдан ўзбек тилига қилинган таржималари қиёсланган;



шарқ халқларининг бой ва қадимий маънавий олами, кароматлар, сеҳр-жоду ва мўъжизалар, Шарқ эртаклари, афсоналарига қизиқиши, табиат ва руҳий олам, коинот ва инсон муносабатларини нозик ҳис этиши, эстетик идеалга интилишининг ўрганилган поэмаларда очиб берилиши бадиий матн таҳлили бўйича машғулотларда манба вазифасини ўтаган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** муаммонинг аниқ қўйилганлиги, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, чиқарилган хулосаларнинг типологик қиёслаш, қиёсий- тарихий каби таҳлил усуллар билан асослангани, аслият манбаларининг изоҳларда кўрсатилганлиги, хулоса, тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти чиқарилган назарий хулосалар Байрон инглиз ёзувчилари ижодида Шарқ ва шарқона мотивларнинг романтизм руҳида қўйланиш тамойилларини ва шарқона мотивларнинг ўзбек адиблари ижодида мадҳ этилиши усулларини аниқлашда, уларнинг хусусиятларини қиёсий-типологик аспектда ёритиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, Байрон ижодини, унинг услубий маҳоратини далиллашга асос бўлган материаллардан Байрон ижодини ёритишда, дарслик ва қўлланмаларнинг мукаммалашувида, олий ўқув юртларининг филология факультетларида “Тили ўрганилаётган мамлакат адабиёти тарихи”, “Чет эл адабиёти” фанларидан махсус курс сифатида, шунингдек, таржимашунослик бўлимларида ўқиётган талабалар ҳамда ўқитувчиларга ўқув қўлланма яратишда фойдаланилди.

**Тадқиқот натижаларнинг жорий қилиниши.** Байрон ижодида шарқ ва шарқона мотивлар тавсифи муаммосини миллий ва жаҳон бадиий тафаккури контекстида типологик тадқиқ этиш, адабиётшунослик назарияси илмий назарий асосларини ишлаб чиқиш асосида:

романтизм оқимининг йирик вакили, машҳур инглиз шоири Ж.Г.Байрон ва ушбу давр ижодкорлари асарларининг пайдо бўлиши, жанри, бадиий асарлар асосида халқларнинг маданияти, тарихи, урф-одати, турмуш тарзи, анъаналари ва миллий қадриятларига оид хулосалардан ФА-Ф1-Г040 «Ўзбек адабиёти қиёсий адабиётшунослик аспектида: типология таъсир» мавзусидаги фундаменал лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 30 июлдаги 89-03-2854-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши ХХ аср ўзбек насрини бошқа халқлар адабиёти билан қиёсий ўрганишда, хусусан, типология, адабий таъсир каби қиёсий адабиётшуносликнинг муҳим муаммоларни ёритишда маълум даражада хизмат қилган;

Шарқ ва Ғарб цивилизациялари ўртасидаги диалогнинг ўзига хос жиҳатларини очиб беришга оид хулосалардан ОТ-Ф8-002 «Ҳозирги замон

цивилизациясининг инсон ижтимоий қиёфасига таъсири» мавзусидаги фундаментал илмий тадқиқот лойиҳасини бажаришда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 30 июлдаги 89-03-2854-сон маълумотномаси). Натижада Ж.Г. Байрон ва А. Фитрат ижодлари қиёсий таҳлили орқали Шарқ ва Ғарб мутафаккирларининг инсон ҳақидаги фикрлари таҳлили бўйича назарий умумлашмалар чиқаришга хизмат қилган;

Қашқадарё вилоят радиосининг «Китоб ва китобхонлик» туркум эшиттиришлари доирасида «Байрон ижоди ва китобхон мулоҳазаси» номли радио-очерк сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Қашқадарё вилоят телерадиокомпаниясининг 2019 йил 22 апрелдаги 12-15-535-сон маълумотномаси). Радиотингловчиларга инглиз романтизми адабиёти, Ж.Г.Байрон ижоди, асарларининг рус ва ўзбек тилларига қилинган таржималари ҳақида қимматли маълумотлар бериш орқали эшиттиришлар савиясининг оширилишига эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари жами 19 та анжуманда, шу жумладан, 3та халқаро ва 16 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш чоп этилган. Шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Тадқиқотнинг ҳажми 139 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида танланган мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр қилинган ишлар, диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Байрон шеърлятида шарқона мотивлар**» деб аталган. Бобнинг биринчи фасли «*Инглиз романтизми ва Шарқ мавзуи*»да инглиз романтизми ва Байрон ижодини ҳамда унинг рус ва ўзбек тилига таржималарини таҳлил қилишдан аввал, XIX аср биринчи ярмида Ғарбий Европа адабиётларида вужудга келган ва жаҳон адабиётини жуда кўп нодир асарлар билан бойитган романтизм адабий оқими, йўналиши,

ижодий методи ҳақида фикр юритилган. Романтизм адабиётининг асосий хусусиятлари ҳақида илк назарий-эстетик фикрлар романтик санъаткорларнинг ўзида учрайди. Биз, аввало, романтикларнинг эстетик қарашларини ўрганиб, бу ҳодисанинг вужудга келиш манбалари, сабаблари, немис, француз ва инглиз романтизмнинг бир-бирига ижодий таъсирлари ҳақида фикр юритамиз. Жаҳон адабиётшунослигида романтизм адабий оқим ва ижодий метод сифатида етарли даражада очиб берилмаган. Бунинг сабаби романтик руҳдаги етук бадиий асарлар, манбалар етишмаслигида эмас, балки шўролар даврида атеизм, даҳрийликка асосланган коммунистик мафкуранинг диний таълимотлар ва илоҳий сирлар, юксак самовий интилишлар, руҳий олам сирлари билан боғлиқ бўлган адабий оқимнинг революцион романтизм ва реакция романтизм деб иккига ажратилгани билан ҳам изоҳланади.

Ғарбий Европада романтизм адабиёти антик, классик адабиётга эҳтиром билан қараш билан бирга классицизмнинг чекланган қоидаларини инкор этиш, маърифатчилик адабиётидан руҳий озикланиш, тиранияга, мутлак ҳокимият абсолютизмига қарши, шахс озодлиги, инсон кадр-қиммати учун кураш каби гуманистик идеаллар асосида туғилиб, раванқ топди.

Романтик адиблар ва шоирлар Жан - Жак Руссонинг барча инсонларни куликка солишга уринган золимларга қарши, уларнинг инсон эркини бўғувчи қонунларига қарши, эркин, табиий яшаш идеалларидан, 1789-1793 йиллардаги буюк француз инқилобларидан, Гегель, Хердер, Гёте, Дидро, Вольтер маърифатчилигидан руҳландилар. Романтизм адабий-ижтимоий ҳаракати Германияда (Ф.Шлегель, А.Шлегель, В.Вакенродер, Л.Тик, Новалис, А.фон-Арним, К.Брентано, Ф.Шеллинг, И.В.Гёте, Ф.Шиллер, Э.А.Хофман, Х.Хайне), Англияда (У.Блейк, Ж.Байрон, П.Шелли, Ж.Китс, Р.Саути, С.Кольриж, У.Вордсворт), Францияда (Жермена де-Сталь, В.Гюго, Ж.Санд, Р.Шатобриан, П.Мериме, Ф.Стендал) ўзаро ижодий алоқалар, бир-бирининг романтик асарларини таржима қилиш жараёнида ўсиб ривожланди. Ғарбий Европа мамлакатлари адабиётида романтизм йўналишининг вужудга келиши ва ривожланишида қуйидаги манбаларнинг таъсирини кўриш мумкин:

1. Антик давр адабиётининг мумтоз асарлари—Ҳомер «Илиада»си ва «Одисея»си, Эсхил, Софокл, Эврипид трагедиялари, Вергилийнинг «Энеида»си, Гораций одалари ва эпиграммалари, Овидий мифологияси, Анакреонт поэзиясининг ёрқин асарларини ўқиб ўрганиш, таржима қилиш ва нашр этиш жараёни романтик шоирлар учун катта мактаб бўлди.

2. Романтизм адабиётини озиклантирган ва руҳлантирган яна бир қудратли манба халқ оғзаки ижодига муносабатдир. Бу соҳада ака-ука Гриммларнинг халқ эртакларини ёзиб олиб, тўплаб, қайта ишлаши, халқ бахшилари асарлари, хусусан, «Нибелунглар ҳақида кўшиқ»нинг чуқур ўрганилиши ва қайта ишланиши, А.фон Арним ва Клеменс Брентано излаб топиб, нашр этган халқ ижодининг нодир намуналари («Боланинг сеҳрли найи» тўплами), оддий халқнинг ҳаётига, орзу-армонларига катта эътибор

билан қараш романтизм адабиётининг халқчиликка юз буриши жаҳон маданияти тараққиётида илғор ва нодир ҳодисадир.

3. Ғарбий Европа романтиклари ижодига кучли таъсир кўрсатган яна бир ажойиб манба Шарқ мумтоз адабиётига, «Минг бир кеча» эртаклари ва ҳикояларига (бу нодир тўпламда фақат эртаклар эмас, балки тарихий, маиший, саргузашт ҳикоялар ҳам бор – *П. Қ.*) Аттор, Саъдий, Хайём, Ҳофиз, Навоий ижодига, Қуръони карим оятлари ва ривоятларига кучли қизиқиш эди.

4. Буюк олмон шоири ва мутафаккири И.В.Гёте ҳам маърифатчилик, ҳам романтизмнинг ёрқин вакилидир. У «Ғарбу Шарқ девони»га кирган шеърларида ва илмий тадқиқотлари, шарҳларида Қуръони карим ривоятларига, умуман исломий ахлоқ ва маданиятга жуда катта эътибор берди. Гётенинг «Ғарбу Шарқ девони»да жумладан қуйидаги сатрларни учратамиз:

Тахтлар кулаб не таажжуб,  
Хароб Шимол, Мағриб, Жануб  
Шарққа ҳижрат эрур вожиб,  
Унда ишқу маю мутриб  
Ҳамда Хизр суви бордир,  
Боқий умр сенга ёрдир.<sup>11</sup>

Романтик шоирлар халқ поэтик ижодига сингиб кетган мифологияга, диний эътиқод ва тасаввурларга чуқур ҳурмат ва меҳр-муҳаббат билан қарайдилар. Улар диний мифологияда оламнинг ва одамнинг яратилиши, инсон ва олам муносабатлари, илоҳга кўр-кўрона итоат билан ақл-идрокни, шахс эркинлигини улуғлаш ўртасидаги зиддиятларни романтик поэзиянинг асосий мавзулари деб биладилар. А.В.Шлегель фикрича, «Дин (илоҳийлик) инсоният ҳаётининг асосидир. Агар инсонлар билиб ёки билмай диндан воз кечса, ҳаёт маъно ва мазмундан бутунлай айрилиб, саёз, юзаки бўлиб қолади». Одам ички, руҳий маркази, таянчини ўзгартирса (ёки йўқотса), унинг руҳий ва маънавий қувватлари ҳам ўзгаради (яъни, илоҳий оламга қизиқмай, пул, мол-дунёга, бошқа одамларни қул қилишга) интилади.

Биринчи бобнинг «**Байроннинг шарқона дostonларида инсон эрки масалалари**» деб номланувчи иккинчи фаслида инглиз даҳо шоирининг «Гяур» («Кофир», 1813), «Лара», «Корсар», «Денгиз қароқчиси» (1814), «Коринф қамали», «Паризина» (1816) поэмаларида романтизм адабиётининг асосий хусусиятларидан бўлган инсон қадр-қиммати, шахс эркинлиги учун курашнинг драматик коллизиялари, золимларнинг халққа нисбатан алдов, найрангларини фош этиш, гуманизм ғоялари ҳақида фикр юритилган. Байрон бу поэмаларини бир неча йил аввалроқ, муҳожирликда яшаган йилларида ёзган.

<sup>11</sup> Гёте И.В. Ғарбу Шарқ Девони. Муғаннийнома. Ҳижрат. –Тошкент: ЎзМЭ., 2018. –Б.166.

«Чайльд Ҳарольднинг зиёрати» шеърий романида лирик поэмаларида тасвирланган ва ифодаланган кўпчилик гуманистик поэтик ғояларни йўл-йўлакай айтиб кетган эди. Атоқли байроншунос олима Н.Я.Дьяконова ҳаққоний ёзганидек, «Гяур» поэмасининг кириш қисмидаги шоирнинг эҳтиросли фикрлари «Чайльд Ҳарольднинг зиёрати»даги фикрларга ҳамоҳангдир<sup>12</sup>.

Байрон «Гяур» поэмаси муқаддимасида Греция табиатини мақтаб, бундай дейди: «Бу ерда табиатнинг барча ноз-неъматлари бор, бу соҳиллар жаннатга айланган. Аммо золим одамлар бу жаннатни дўзахга айлантирдилар»<sup>13</sup>. Н.Я.Дьяконова фикрича, «Гяур» поэмасидаги алоҳида парчаларни мустақил шеърлар дейиш мумкин. Бу шеърлар ва поэма муаллифининг эрксевар руҳи, мазлумларга, эзилганларга ҳамдардлиги равшан сезилади.

Байроннинг «Гяур» поэмасида севгилиси Лайлонинг ўлими учун қасос олувчи қароқчи – Гяурнинг аввал софдил, яхши инсон эканлиги, золимлар уни қароқчига айлантирганлиги бадиий далиллаб берилган.

Байрон «Абидослик келин» поэмаси бошланмаси муқаддимасида ҳам асарда тасвирланган ўлканинг ажойиблиги, гўзал манзараларни тасвирлашда И.В.Гётенинг «Минёна кўшиғи» шеъридан илҳомлангани ҳақида В.М.Жирмунский ҳам эслатиб ўтган.

Байрон шарқона поэмаларида («Гяур»да ҳам, «Паризина»да ҳам, «Коринф камали»да ҳам, «Корсар»да ва «Лара»да ҳам) кучли психологизм, нафис лиризм билан бир вақтда жамият ва шахс ўртасидаги зиддиятларни, кескин конфликтларни кўрсатади. Бу поэмаларнинг барчасида қаҳрамонларнинг жасурлиги, кучли эҳтирослилиги, индивидуализм, қасос туйғулари кўпинча жинойтларга етаклайди.

Бу поэмаларга ва уларнинг қаҳрамонларига бир ёқлама ва шошилиб баҳо бериш қийин. Уларда қаҳрамонларнинг табиий ва кучли севги эҳтирослари жамиятнинг чекловчи қонунлари исканжасида фожиага учрайди. Бу қаҳрамонлар ўз фожиаси учун душманларидан, ҳатто бутун жамиятдан қасос оладилар. Бу поэмаларнинг қаҳрамонлари бутун оламда ёлғизланиб қолган, лекин бутун оламга қарши курашдан қайтмайдиган инсонлардир. Шоир бу поэмаларида севгини инсон учун энг буюк бахт деб тасвирласада, адолатсиз, ғайриинсоний қонунлар ҳукм сурган жамиятда бу туйғу жинойтга айланишини кўрсатади. «Абидослик келин» (1813) поэмасидаги Салим, «Корсар» (1814) поэмасидаги қароқчи Лаффид, ҳатто воқеаси Ойда бўладиган «Лара» (1814) поэмасидаги Ларанинг душмани Этцел каби қаҳрамонларни шоир реал ҳаётдан олгани ҳолда, ўша воқеалар талқинида Англия жамиятига хос ижтимоий иллатлар кескин танқид қилинганлигини Байроннинг ўзи кундаликларида ва хатларида ҳам эслатиб

<sup>12</sup> Дьяконова Н.Я. Лирическая поэзия Байрона. – Москва: Наука, 1975. – С. 79.

<sup>13</sup> Ж.Байрон. Собрание сочинений. В 4-х томах. Том 1. – Москва: Художественная литература, 1974. – С.298.

ўтади. Зеро, халқни тубан ва разил, золим мансабдорлардан ҳимоя қилиш ҳам инглиз романтизмнинг муҳим хусусиятларидан биридир.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Байрон драмаларида диний мавзулар**»нинг талқинига бағишланган. Бу бобнинг биринчи фаслида «Каин» драмасининг, мистик-фалсафий («Библия» ва «Қуръон мотивлари») талқини ҳақида фикр юритилган. XIX аср бошларидаги Англияда авж олган буюк давлатчилик, мустамлака халқларнинг инсоний кадр-қимматини оёқости қилиш, илғор ватандошларнинг ҳам эркин фикрлашини бўғиш, коррупция, олий табақа, зодагонларнинг кибру ҳавоси, мунофиқлиги Ж.Байрон ва П.Шелли каби илғор фикрли, гуманист шоирларнинг ватанини ташлаб кетишига сабаб бўлди.

Англияда энди шаклланаётган, тинч меҳнат қилаётган ишчилар синфи фан-техника янгиликлари сабабли ишдан ҳайдала бошлади. Тирикчилик, оиласини боқиш имкониятидан айрилган ишчилар (луддитлар) норозилик билдириб, жаҳл устида станокларни синдириб, ишдан чиқардилар. Луддитлар давлат қонунига кўра судга тортилди. Меҳнаткашларга қарши янги билл-қонун муҳокамаси вақтида лорд Байрон ҳукумат палатаси мажлисида бир неча марта оташин нутқ сўзлаб, меҳнат аҳлини ҳимоя қилди. Олий табақаларни бу исёнлар албатта ғазаблантирди. Улар турли баҳоналар билан Байроннинг оилавий ҳаётига ҳам аралашиб, оқибатда уни аслзода оиладан бўлган севимли хотинидан ва фарзандидан ажратишга эришдилар. Ўзини ҳам қаматиб, йўқ қилмоқчи бўлганларини сезиб қолган ёш даҳо Англияни бутунлай тарк этди ва албанлар, юнонларнинг миллий озодлик курашига ёрдам берди. Ёш даҳо шоир бу адолатсизлик, ноҳақликларнинг сабабларини чуқур ўрганмай туриб, барчасига золимларнинг дўсти бўлган, яхши инсонларни қийнаётган Худо айбдор деган хато хулосага келди. У Одам ато, Момо Ҳаво, Қобил ва Ҳобил ҳақида буюк ва хайратланарли «Каин» драмасини ёзди.

Мистерия – норасмий динларнинг байрам томошаси бўлиб, у антик адабиётда, Орфей замонларида ҳам мавжуд эди. Вакх– Дионис муҳиблари - Вакх қизлари байрами ҳам мистериядир. Аммо, Байроннинг «Каин» мистерияси яҳудийларнинг расмий диний китоби – «Таврот» («Қадимги аҳд»)га асосланган бўлиб, бу ерда тасвирланган асосий воқеалар-Одам Ато ва Момо Ҳавонинг жаннатдан қувилиши, Иблиснинг алдови ювош, мўмин Худога ва отасига ибодатгўй Ҳобилнинг укаси, исёнкор Қобил (Каин) томонидан ўлдирилиши мусулмонларнинг муқаддас китоби Қуръони каримдан ҳам ўрин олган. Одамга сажда қилмаслик, шайтоннинг Тангрига исёни Қуръони каримнинг олтита сурасида (2, 7, 15, 17, 18, 38) тилга олинган.

Олмониялик пантеист, илоҳиёт олими файласуф Якоб Бёме (1575-1624) машҳур «Аврора ёхуд Тонг шафағи» асарида тақиқланган дарахт мевасини Шайтон кутқуси билан еган Одам Ато билан Момо Ҳавонинг фарзандларидан бири Авел (Ҳобил) яхши, оқ кўнгил, Худога ибодатгўй, му-

лойим инсон бўлиб, бир қориндан тушган иккинчиси Каин (Қобил) осий, исёнкор, ёвуз, золим бўлиб туғилганлигини айтади. Л.Я.Бёме китобининг 1914 йилги русча нашрида Новалиснинг Л.Тикка бағишланган «Яков Бёме» романтик шеъри илова қилинган.

«Каин» драматик мистериясидаги бош қаҳрамон характери, унинг Тангрига қарши исёнини яхшироқ тушуниш учун «Библия» ва «Қуръон» ривоятларини эслаш, инглиз шоири Мильтоннинг «Йўқолган жаннат» асари билан, француз романтизми вакиллари Жермана де Сталнинг Руссо ҳақидаги «Эҳтиросларнинг одамлар ва халқлар бахт-саодатига таъсири», «Христанликнинг қарор топиши ва бадий адабиётнинг гуллаб-яшнаши», «Германия ҳақида» асарлари билан, француз романтик адиби ва дин олими Франсуа Рене де Шатобрианнинг «Христанлик даҳоси» асарининг айрим боблари билан танишиб чиқиш фойдалидир. Бизнинг назаримизда, Байрон «Каин» драма-мистериясида (бу асар мистерия – махфий томошага мўлжалланган, уни кўпчиликка кўрсатиб бўлмайди) ана шундай абадий яшашга, куч-қудратга, эркин ҳаётга меҳнат қилмай эришаман, деб ўйловчи инсон тимсолидир. Бу адабий образни, характернинг айрим ижобий жиҳатлари ҳам бор. Бу Каиннинг мутеъликни, лаганбардорликни, қулликни ёмон кўриши, хурликни, эркинликни яхши кўришидир. Каин табиати, характериға хос бу хислатлар шоир Байроннинг руҳига яқиндир. Аммо, Каин характерида тўлиғича Байрон ўз руҳиятини кўрсатган деб бўлмайди. Шоир ўзи драмаға кириш сўзида айтганидай, Каиннинг сўзлари, кечинмалари, асар воқеаси тўлиғича Библия сюжетида олинган.

Драма-мистерияда Каин ота-онасини арзимас хато учун жаннатдан қувиб чиқарган Тангрини барча халқлардан фақат мақтов кутадиған, золим, ёвуз куч-қудрат деб билади ва унга қарши исён кўтаради.

Арасту айтишича, бадий тўқимада ҳам ҳаётийлик, яъни ҳаётга яқинлик бўлади. Байрон «Каин» асарида Одам Ато замонидаги жуда қадимги воқеани тасвирласа ҳам, унинг поэтик ғояси мутеъликни, қулликни қоралаш ва хурлик, озодликни ҳимоя қилиш шоир учун, ўқувчилар учун, ўша давр учун замонавий эди. Байрон замонидаги Англияда чексиз ҳокимият эгалари ўзини «Худо» фаҳмлаб, меҳнат аҳлиға, оддий халққа, мустамлака халқларға (масалан, ирландияликларға ва ҳиндларға жабр-зулм қилмоқда эдилар. Лекин, «Каин» драмасидаги бошқа поэтик, ижтимоий, фалсафий ғоялар ҳам бор. Байрон бу асарини ёзганида (1821) ўттиз уч ёшда, куч-ғайратға тўлган пайти эди. Аммо, у яхшироқ диний тарбия кўрмаган эди. Шоир кундаликларида 1814 йил 18 февраль санасида ярим ҳазил, ярим чин оҳангда қўйидагиларни ёзади: «Наҳотки (тангри) шундай аҳмоқлар оламини яратган бўлса? Масалан, дендилар – тантик бойваччаларни, қиролларни, коллежлардаги ойимчаларни ёки ёши ўтган (ўйноқи) аёлларни, ёки турли ёшдаги (енгилтак) эркакларни, ҳатто менға ўхшаганларни яратишнинг нима

кераги бор эди<sup>14</sup>? Шоирнинг шу каби кайфиятлари «Дон Жуан» поэмасида кенг бадий ифодасини топган<sup>15</sup>. Бу асар ўзбек шоирлари Абдулла Шер ва Сулаймон Раҳмон тарафидан ўзбек тилига қисман таржима қилинган.

Юксак ва сирли оламлар ҳақида шу қадар кўп ва яхши асарлар ёзган шоирнинг бундай содда фикрлари ўқувчини ажаблантиради, албатта. Арасту «Поэтика»да ёзишича, шоир ё бўлиб ўтган ҳаёт воқеаларини, ё ҳозир бўлаётган воқеаларни ёки келгусида бўлиши эҳтимоли бор воқеаларни тасвирлайди<sup>16</sup>. Байрон асарларида ҳам шу учала замон воқеаларини кўриш мумкин. Шоир XVI асрда бўлиб ўтган воқеа қаҳрамони, золимларга қарши халқ озодлик курашчиси Франсуа Бониварнинг золимлар томонидан тутқунликда азоб чекишини тасвирлаб, золим ҳокимият эгаларини лаънатлайди. У дастгоҳларни, станокларни бузган луддитлар ҳақида кўшиғида ўзи яшаган вақтдаги ҳаётни, «Манфред»да эса эҳтимол, келгусида юз берадиган руҳий кашфиётларни тасвирлайди.

Мусулмон ёзувчи тафсирчилардан хоразмлик Носируддин Рабғузий «Қисса ул-анбиё» асарида Қуръони каримда келтирилган Қобил ва Ҳобил воқеасини бундай тафсир қилади: «Азозил қачон сажда қилмади эрса, хитоб келди: «На учун сажда қилмадинг?» Иблис айтди: «Мен ундан (Одамдан) ортукрокман (тозарокман), мани ўтдан яратдинг, уни қора тупрокдан» деди. Шундан сўнг Азозилнинг номи Иблис бўлди. Маъноси «Ноумид» деганидур.<sup>17</sup>

Байрон асарни мистерия – диний байрам томошаси сифатида ижод қилар экан, сюжетини «Библия» асосига қурса-да, ўз ижтимоий-фалсафий, поэтик ғоясига мувофиқ бадий тўқимага йўл қўяди. У «Библия»да тасвирланган Каинни чиройли аёл учун укасини ўлдирган ёвуз, қотил сифатида эмас, балки укасини фақат Тангрига ҳамду сано айтувчи, мутеъ, фикрсиз, инсоний кадрини билмайдиган, ўз ҳақ-ҳуқуқларини танимайдиган кул эканлигидан нафратланиб, уни жаҳл устида билмасдан ўлдириб қўйганлигини тасвирлайди. Шунгача Каин укаси Ҳобилни жабр-зулм қилувчиларга мадҳия айтмагин деб, уларга қарши курашга чақиради. Бу билан «Каин» драмаси Англия жамиятининг олий табақаларига, золимларига қарши курашга чақирувчи чин исёнкор руҳдаги асарга айланади.

Иккинчи бобнинг иккинчи фаслида Байроннинг «Каин» ва Фитратнинг «Шайтоннинг Тангрига исёни» драмаларининг қиёсий-типологик таҳлили берилади. А.Фитрат шу нодир асарини ёзгунга қадар, худди Байрон каби, ўз ватанида ҳукм сурган адолатсизлик, ноҳақлик, жаҳолат ва тубанликларга қарши қатъий курашди. Бу даврда (1908-1915) «ёш турклар» ҳаракати ғолиб бўлиб турган Туркия маърифатчилигининг Бухорога, Туркистон

<sup>14</sup>Ж.Байрон. Дневники. Письма. – Москва: Наука, 1965. –С. 84.

<sup>15</sup>Ж.Байрон. Дон Жуан. Собрание сочинение в 3-х томах. Том 3. – Москва: Художественная литература, 1974. – С.7.

<sup>16</sup> Арасту. Поэтика. Ахлоқи кабир. – Тошкент: “Янги аср”, 2004. – Б. 62.

<sup>17</sup> Рабғузий Носириддин. Қиссаси Рабғузий. Тошкент. «Мумтоз сўз» - 2009. Б. 14-15.



хурриятчиларига таъсири ҳақида фитратшунос ва чўлпоншунос олим Ҳамидулла Болтабоев шундай ёзади: «XX аср бошларида Истамбулда нафақат туркий дунё, балки араб, форс, афғон сиёсий ҳаракатларининг раҳбарлари яшаганлар ва уларнинг дунёқарашлари шаклланишида ҳам Истамбул муҳити ўз таъсирни кўрсатган»<sup>18</sup>. Америкалик туркшунос олим Э.Олворт эса «Бухоролик А.Фитратнинг аргументлари» асарида: «Марказий Осиёни озод қилиш мавзусида А.Фитрат турли ҳажмдаги диологик асарлар яратган. Бу иккала асар («Қиёмат», «Шайтоннинг тангрига исёни») туркистонликларга уларнинг ватанидаги сиёсий аҳволнинг бор ҳақиқатини аччиқ тил билан изоҳлаб берган<sup>19</sup>» – деган фикрни баён этди. Олмон олимаси Ингеборг Балдауф А.Фитратнинг «Шайтоннинг тангрига исёни» асарини немис тилига таржима қилиб, унга ўзбекча аслиятини ҳам илова қилиб, 1997 йилда Германияда нашр эттирди ва бу асар ҳақида Бамберг халқаро конгрессида илмий маъруза билан чиқди. П.Мирза-Аҳмедова ёзишича, адиб ўзининг «Мунозара» асарида бутун Туркистон халқларининг аҳволи нечоғли ачинарли экани ҳақида «Жаҳонга Абу Али Ибн Синодек, буюк олимларни берган замин, халқ нима учун қолоқлик ва жаҳолат ботқоғига тушиб қолмиш?», – деб фарёд қилади<sup>20</sup>.

Байрон «Каин»идаги Люцифер билан Фитрат драмаси қаҳрамони Шайтоннинг исёнкорлиги мотивлари, сабаблари, мазмуни жуда ўхшашлиги ҳайратланарлидир. Эҳтимол, ҳар икки асар муаллифларининг лаганбардорлик, мутеълик, фикрсизлик, қулликка қарши исёни шахс эркинлиги, тафаккур ҳурлигини севишидандир. «Каин» теран фалсафий драматир. Унда Одам ва Ҳаво, Ҳобил, икки киз ўзларига ҳаёт бергани, бу ёруғ оламини кўрсатгани учун меҳнатдан дам олиш вақтларида ибодат қилиб, Тангрига ҳамду сано айтадилар.

Байрон тасвиридаги Каин жаннатда эмаслигидан, қулларча ҳаёт кечираётганидан норози. Бундай норозилик, алам-қайғу Байрон каби мол-мулкидан айрилиб, камбағаллашиб, ўз меҳнати билан кун кечиришга мажбур бўлган аристократ, аслзодаларга хос туйғудир. Мана шу алам-қайғу туфайли Каин ота-онага ҳурматни ҳам, уни севгувчи Адага меҳрибонлик қилишдай инсоний бурчини ҳам менсимайди. У ҳали олам сирларини билмайди, илм-маърифатдан хабарсиз. Каин фақат ўлимни ўйлайди. Ўлимигача берилган ҳаётни эса кадрламайди. Бу дунёда меҳнат, машаққатлар чеккан одам охиратда, нариги дунёда бахт-саодат топишига ишонмайди. Мана шу эътиқодсизлик, ишончсизлик Каин фожиасининг асосий мазмуни, моҳиятидир. Байрон олмон даҳоси Гётенинг «Ғарбу Шарқ» девонини ўқиган ёки ўқимаганлиги номаълум. Чунки «Ғарбу Шарқ» девони 1816-1820

<sup>18</sup> Болтабоев Ҳ. Фитрат ва жадидчилик. – Тошкент: Алишер Навоий номли Ўзбек Миллий кутубхонаси, 2007. –Б.28.

<sup>19</sup> Қаранг: Болтабоев Ҳ. Фитрат ва истиқлол маънавияти//А.Фитрат. Танланган асарлар.Том I. – Тошкент: Маънавият, 2000. –Б.24-25.

<sup>20</sup> Мирза-Аҳмедова П. Фитрат ижодида мифология//Жаҳон адабиёти. – Тошкент, 2009. -№ 5. – Б.105.

йилларда ёзилган ва Байронинг вафотидан сўнг нашр этилган. Демак, Байрон зардуштий олимлари, коҳинларининг сеҳру жоду илмларини ўрганиб, куч-қудратга эришганлигини бошқа манбалардан, хусусан, Шаркни ундан яхшироқ билувчи Томас Мур маълумотларидан олган бўлиши мумкин.

Диссертациянинг «**Таржимада аслият ва воситачи тилдан фойдаланиш муаммоси**» деб аталган учинчи бобининг биринчи фаслида «Манфред» драматик поэмасидаги зардуштийлик ғоялари, бадий таржимада аслиятдаги фазилатларнинг сақланиши тадқиқ этилади. Байрон ўз поэмаси қаҳрамони Манфред тасвирида ҳам шарқона эътиқодларга, зардуштийликда, монийликда ва ислом динида ҳам эътиқод қилинадиган ҳар бир инсоннинг кўкда бир толе юлдузи бор деган ишончдан келиб чиқади. Шоир фикрича, юлдузга – ўз руҳига нисбатан инсон жисми тубан, нуқсонларга тўла махлукдир. Бу каби тағмаънони ўзбек таржимони Рауф Парфи қандай ифода қилганини кўрайлик:

Аслиятда:

The star which rules thy destiny  
Was ruled, ere earth began, by me:  
It was a world as fresh and fair  
As e'er revolved round sun in air;<sup>21</sup>

Иван Бунин таржимасида:

Твоей звездою правил я  
В те дни, когда еще земли  
Была не создана. То был  
Мир дивный, полный юных сил,  
Мир, затмевавший красотой<sup>22</sup>,

Рауф Парфи таржимасида:

Юлдузинг қисмати менинг кўлимда  
Азалдан ҳукмимга сомеъ йўлимда.  
Офтоб атрофида ул бўшлиқ аро  
Сузарди мусаффо, ғаройиб дунё.<sup>23</sup>

Инглизча ва русчада офтоб, куёш ҳақида сўз йўқ, чунки юлдузлар тунда кўринади. Ўзбекчада осмон мовийлиги ҳам йўқолган. Лекин, ўзбекчада кейинги байтларда оралиқ тилда гўзал шаклда ва оҳангда айтилган поэтик маъно – Манфред юлдузи оҳиста, илоҳий йўлидан секин боришга қаноатланмай, ўз суръатини тезлатиб (яъни, ўз ақлига, билимларига мағрурланиб, асосий, тўғри йўлидан адашиб кетгани яхши ифодаланган:

Энди ул учадир адамга қараб,  
Шаклсиз соққадек ёниб, ловуллаб.<sup>24</sup>

<sup>21</sup> Lord Byron. Selected poems. Penguin classics. – London, 1991. – P.467.

<sup>22</sup> Байрон. Собрание сочинение в 3-х томах. Том 3. – Москва: Художественная литература, 1974. -С.43-44.

